

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2019 йил апрель ойининг 3 куни жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: У.Хидирбоев,

Судья ёрдамчиси М.Абдурахмоновнинг котиблигида, тарафлардан Ғаллаорол туман прокурори ўринбосари Б.Юлдашев, ҳимоячи А.Баймуродовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “б” банди ва 273-моддаси 2-қисми билан айбланган

га нисбатан юритилган 1-1305-1901/ -сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

(  
 ) - 19 йил июль куни туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзандлари бор, туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими катта ҳамшираси лавозимида ишлайди, мукаддам судланмаган, тумани, МФЙ, кўчаси, -уйда яшовчи, эҳтиёт чораси сифатида 2018 йил 11 декабрь куни муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 18 январь куни олган.

Суд жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, уларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Дастлабки тергов органи томонидан , тумани, Дўстлик маҳалласи, Арчазор кўчаси, 29-уйда оиласи билан яшаб келиб, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли терапия бўлими катта ҳамшираси вазифасида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментнинг Жиззах вилоят туман бўлими томонидан Жиззах вилоят ИИБ ТЭҚБ ходимлари билан 2018 йил 6 сентябрь куни ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда туман тиббиёт бирлашмаси “Терапия” бўлими катта ҳамшираси ўзининг жавобгарлигидаги дори-дармон воситаларини бўлимда даволанаётган беморларга бермасдан, хонадонида яширин равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тадбир жараёнида хонадонидаги дори воситалари кўздан кечирилганда туман тиббиёт бирлашмасидаги беморлар учун бериладиган “ туман тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси сотиш ман этилади” деб ёзилган тўрт бурчак

мухр босилган хар-хил турдаги ўзганинг жами 6.643.200 сўмлик дори воситаларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликда айбланган.

, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, бўлим ҳамширалари томонидан тўлдириладиган кунлик талабномаларга яъни, терапия бўлими ҳамшираси томонидан ёзилган талабномаларга 150,8 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 24,3 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 491,2 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 121,3 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 48,4 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 225,2 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 222,1 минг сўмлик, ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 193,0 минг сўмлик ва ҳамшира томонидан ёзилган талабномаларга 106,0 минг сўмлик жами 1.582.300 сўмлик дори-дармон ва боғлов воситаларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликда.

, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран 2017 йилнинг март ойида нархи 1470 сўмдан, қиймати 17640 сўмлик 12 дона Инфузион система ҳамда нархи 278 сўмдан, қиймати 556 сўмлик Дексаметазон 1,0-2 ампула, 2018 йил май ойида нархи 173 сўмдан, қиймати 519 сўмлик Новокаин 0,5%-5,0 3 ампула, нархи 1897 сўмдан, қиймати 7588 сўмлик Метрогил 100,0, жорий йилнинг июль ойида нархи 930 сўмлик, қиймати 21390 сўмлик 23 дона Инфузион система, нархи 1475 сўмдан, қиймати 8850 сўмлик 6 флакон Натрий хлор 0,9%-250,0 дори воситаларидан жами 56.543 сўм дори-дармон ва боғлов воситаларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликда.

, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментнинг Жиззах вилоят туман бўлими томонидан Жиззах вилоят ИИБ ТЭҚКБ ходимлари билан 06.09.2018 йилда ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда туман тиббиёт бирлашмаси “Терапия” бўлими катта ҳамшираси ўзининг жавобгарлигидаги дори-дармон воситаларини бўлимда даволанаётган беморларга бермасдан, хонадонида яширин равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тадбир жараёнида хонадонидаги дори воситалари кўздан кечирилганда 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли психатроп моддаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда сақлаш жиноятини содир қилганликда айбланган.

Ўтказилган тадбир давомида 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли психатроп моддалари ашёвий далил тариқасида хужжатлаштириб олинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 8 сентябрь кунидаги №1226-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра, фуқаро нинг хонадонидан олинган 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли дори воситалари психатроп дори-воситалари туркумига киришлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи айбига иқрорлик билдириб, у 1998 йил 1 майдан бошлаб туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими катта ҳамшираси вазифасида ишлашлигини, унинг вазифаларига бўлимдаги беморларга дори-дармонлар тарқатиш, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларнинг ишини назорат қилиш, бўлимнинг тозаллиги, беморларнинг соғлигини тиклаш ва шунга ўхшаш ишлар киришлигини, 2018 йил 6 сентябр куни соат 16:30 ларда туман марказий шифохонасидан уйига келган вақти ИИБ ходимлари турмуш ўртоғи \_\_\_\_\_ ни сўраганлигини, у турмуш ўртоғини Тошкент шаҳрига кетганлигини айтганида ИИБ ходимлари тезкор тадбир асосида хонадонда текширув ўтказишларига рухсат беришлигини сўраганлигини, у кейин турмуш ўртоғининг дўсти \_\_\_\_\_ ни чақирганлигини, ИИБ ходимлари яшаш хонадонни ётоқхонасида бир қанча дори-дармонлар шприц, бинт, пахта, система борлигини аниқлаганлигини, унинг сумкасидан 10 дона “Сибазон” ва 14 дона “Цикладол” дорисининг таблеткасини ҳам топишиб хужжатлаштириб олишганлигини, ётоқхонасидан ўзига тегишли бўлган бир қанча дори-дармонлар ҳам чиққанлигини, ИИБ ходимлари ушбу дори-дармонларни хужжатлаштириб олиб, туман тиббиёт бирлашмаси ички дорихонасига топширганлигини, у қилган айбига тўлиқ иқрорлигини, “Сибазон” ва “Цикладол” дориларни \_\_\_\_\_ исмли шахс вафот этгандан сўнг, бир неча hafta ўтиб таъзия изҳор қилишга борганида марҳумнинг турмуш ўртоғи \_\_\_\_\_ унга ушбу дори воситаларини беморларга берасиз деб берганлиги сабабли у дориларни уйига олиб бориб қўйганлигини, у 10 дона “Сибазон” ва 14 дона “Цикладол” дориларини келгусида сотиш мақсадини кўзламаганлигини ва ҳеч кимга сотмаганлигини, у фақат уйда сақлаб келганлигини, у шунингдек 9 ҳолатда 1582,3 минг сўмлик дори-дармон воситалари талабномаларга қўшиб ёзганлиги аниқланганлигини, у терапия бўлими ҳамшираси \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 150,8 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 24,3 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 491,2 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 121,3 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 48,4 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 225,2 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 222,1 минг сўмлик, ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 193,0 минг сўмлик ва ҳамшира \_\_\_\_\_ томонидан ёзилган талабномаларга 106,0 минг сўмлик дори-дармон ва боғлов воситаларини ёзганлигини, ҳисоботларни кўрганида 2017 йил март ойида нархи 1470 сўмдан, қиймати 17.640 сўмлик 12 дона Инфузион система ҳамда нархи 278 сўмдан, қиймати 556 сўмлик Дексаметазон 1,0-2 ампула, 2018 йил май ойида нархи 173 сўмдан, қиймати 519 сўмлик Новокаин 0,5%-5,0 3 ампула, нархи 1897 сўмдан, қиймати 7588 сўмлик Метрогил 100,0, жорий йилнинг июль ойида нархи 930 сўмлик, қиймати 21390 сўмлик 23 дона Инфузион система, нархи 1475 сўмдан, қиймати 8850 сўмлик 6 флакон Натрий хлор 0,9%-250,0 дори воситаларидан жами 56.543 сўм асосиз ҳисобдан чиқариб юборганлигини, у

жами туман марказий касалхонасига 2.950.180 сўм зарар етказганлигини, у қолган дориларни шаҳардан келгусида ишлатиш учун олиб келганлигини, туман касалхонасига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, қилган айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймондалигини баён қилиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи нинг мазкур ҳукмда қайд этилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари;

Фуқаровий даъвогар нинг, у 2016 йил апрель ойидан бошлаб туман тиббиёт бирлашмасида бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлашлигини, Департаментнинг Жиззах вилоят туман бўлими ҳамда Жиззах вилоят ИИБ ТЭҚКБ ходимларининг 2018 йил 6 сентябрь кунда ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирида туман тиббиёт бирлашмаси “Терапия” бўлими катта хамшираси нинг жавобгарлигидаги дори-дармон воситаларини бўлимда даволанаётган беморларга бермасдан, хонадонида яширин равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, тадбир жараёнида хонадонидаги дори воситалари кўздан кечирилганда “Цикладол” номли 14 дона ва “Сибазон” номли 10 дона психотроп дорилари ҳамда Тиббиёт бирлашмасидаги беморлар учун бериладиган “ туман Тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси сотиш ман қилинади” деб ёзилган тўрт бурчак муҳр босилган 2.950.180 сўмлик 48 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси қиримида мавжудлиги ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли дорилар эканлигини, 2.820.930 сўмлик 19 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси қиримида йўқ ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлмаган дорилар эканлигини, бу ҳолат суд томонидан тайинланган камиссиявий экспертизаси тайинланганидан сўнг тўлиқ ва тўғри камиссия томонидан аниқланганлигини, унинг фуқаровий даъвогар сифатида туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими катта хамшираси га нисбатан давоси йўқлигини, у томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ нинг, у тиббиёт соҳасида 1994 йил июль ойидан бошлаб КТМП бўлимида хамшира вазифасида ишлашлигини, 2016 йил январь ойидан бошлаб катта хамшира вазифасида ишлашлигини, унинг хизмат вазифаларига бўлимда кундуз соат 08:00 дан 15:00 га қадар хамширалик қилиш шунингдек хизмат вазифаси билан боғлиқ ишларни қилиш қиринлигини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Жиззах вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси томонидан 2018 йил 27 сентябрь кун берилган 384-сонли буйруғига асосан, ушбу бошқарманинг бош назоратчи-тафтишчиси томонидан, туман Тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи хабардорлигида, бош ҳисобчи иштирокида туман Тиббиёт бирлашмасининг 2017 йил 1 октябрдан 2018 йил 1 октябргача бўлган даври молиявий хўжалик фаолияти юзасидан назорат тадбири ўтказилганлигини, ўтказилган текширишда туман тиббиёт бирлашмасининг 2018 йил 4 октябрдаги 191-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия томонидан туман тиббиёт бирлашмаси КТМП

бўлимида жавобгарлигидаги дори-дармон ва боғлов воситалари комиссия томонидан 2018 йил 6 октябрь кунига санокдан ўтказилганда 1 турда 10.700 сўмлик камомад аниқланганлигини, ушбу камомадни тўлаганлигини, қилган айбига тўлиқ иқдорлигини, қилмишидан пушаймондалиги ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ лар судда гувоҳ нинг кўрсатувиға ўхшаш кўрсатувлари;

Гувоҳ нинг, судланувчи унинг турмуш ўртоғи бўлишлигини, у 1988 йил 1 июндан бошлаб туман тиббиёт бирлашмасида психиатр врач лавозимида ишлашлигини, 2018 йил 6 сентябрь куни ИИБ ходимлари уйига келиб тинтув қилишганда хар хил турдаги дори-дармон ва “Галлапридол” 1,5 мг 77 қутида жами 3850 дан таблеткалар хужжатлаштирилиб олинганлигини, ушбу “Галлапридол” таблеткалари у ТТБда ишлаб юрган вақтида вилоят рухий касалликлари диспансеридан 2016 йил ёз ойларида тарқатилган вақтида олиб келганлигини, қанча миқдордалигини эслай олмаслигини, 10 дона “Сибазон” ва 14 дона “Цикладол” дориларини турмуш ўртоғи исмли шахс вафот этгандан сўнг, бир неча hafta ўтиб таъзия изҳор қилишга борганида марҳумнинг турмуш ўртоғи беморларга берасиз деб берганлиги сабабли у дориларни уйига олиб келганлигини, турмуш ўртоғи томонидан туман марказий касалхонасига 2.950.180 сўм зарар етказилганлигини, турмуш ўртоғи етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини баён қилиб, турмуш ўртоғига нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ нинг, у туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи бўлиб ишлашлигини, унинг вазифаларига бирлашмага умумий раҳбарлик қилиш, уларнинг ишларини назорат қилиш ва шу каби бошқа вазифалар киришлигини, туман тиббиёт бирлашмасининг 2017 йил 1 октябрдан 2018 йил 1 октябргача бўлган даври молиявий хўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилганда 3 ҳолатда 1243,9 минг сўм иш ҳақи ортиқча тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, тиббиёт бирлашмасида дори-дармон воситалари кирим ва чиқими ўрганилганда 9 ҳолатда 1582,3 минг сўмлик дори-дармон воситалари талабномаларга бошқа шахс томонидан қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, шунингдек 10 ҳолатда 164,2 минг сўмлик камомадлар аниқланганлигини, тиббиёт бирлашмаси ички дорихона дори воситалари, боғлов ашёлари ва тиббий буюмларни олиб келиш, сақлаш ва тарқатиш ички дорихона мудирининг зиммасига юклатилганлигини, у билан раҳбар ўртасида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида икки томонлама шартнома тузилганлиги, 2010 йил 2 январь кунидан туман тиббиёт бирлашмаси “Терапия” бўлими катта хамшираси вазифасида ишлаб келаётганлигини, у билан тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти тўлиқ индивидуал моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилганлигини, ушбу шартномага кўра га дори-дармон воситаларини буд сақланиши мажбурияти юкланганлигини баён қилганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ нинг, у туман тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси мудирининг лавозимида ишлашлигини, унинг вазифаларига вилоят АГИТИдан

тиббий бирлашмаси ички дорихона дори воситалари, боғлов ашёлари ва тиббий буюмларни олиб келиш, сақлаш ва тарқатиш киришлигини, туман тиббий бирлашмасининг 2017 йил 1 октябрдан 2018 йил 1 октябргача бўлган даври молиявий хўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилганда дори-дармон воситалари кирим ва чиқими ўрганилганда 9 ҳолатда 1582,3 минг сўмлик дори-дармон воситалари талабномаларга бошқа шахс томонидан қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, шунингдек 10 ҳолатда 164,2 минг сўмлик камомадлар аниқланганлигини ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ \_\_\_\_\_ нинг, у 2018 йил 6 сентябрь куни соат 16:30 ларда тумани, \_\_\_\_\_ маҳалласида яшайдиган хонадонидан уй ишлари билан шуғулланиб юрганида олдида ИИБ ходимлари келиб, бир ишда холис сифатида қатнашишини сўраганлигини, у рози бўлганлигини, улар маҳалласида яшовчи \_\_\_\_\_ нинг яшаш хонадонига борганлигини, хонадонидан турмуш ўртоғи \_\_\_\_\_ ва қизи \_\_\_\_\_ борлиги маълум бўлганлигини, ИИБ ходимлари \_\_\_\_\_ га ўзларини таништириб тезкор маълумотга асосан фуқаро \_\_\_\_\_ хонадонидан текшириш ўтказиш тушунтирилганлигини, фуқаро \_\_\_\_\_ нинг розилиги билан яшаш хонадони ноқонуний нарсалар бор-йўқлиги сўралганида бундай ноқонуний нарса йўқлигини маълум қилганлигини, уларнинг холислигида яшаш хонадони барча жойлари кўздан кечирилганида уйдан дори-дармон ҳамда аёллар сумкасида “Цикладол” гриндекс таблеткасида 14 (ўн тўрт) дона ва “Сибазон” таблеткасида қутиси билан 10 (ўн) дона борлиги аниқланиб пакетга солиниб муҳрланганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ \_\_\_\_\_ нинг, 2018 йил 7 сентябрь куни соат 11:00 ларда ўзини ИИБ ҳамда туман департамент ходимлари деб таништирган одамлар бир ишда холис ҳамда мутахассис сифатида қатнашишини сўраганлигини, у рози бўлганлигини, улар \_\_\_\_\_ туман \_\_\_\_\_ маҳалласида яшовчи врач психиатр \_\_\_\_\_ нинг яшаш хонадонидан дори-дармон воситаларини хужжатлаштириб олиб, уларга ўқиб эшиттириб, дори-дармон воситалари каробкаларга қўйилиб, муҳр ва печатланганлигини, кейин \_\_\_\_\_ туман тиббий бирлашмаси ички дорихонасига олиб кетишганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ \_\_\_\_\_ нинг, у 2015 йил 10 февралдан бошлаб “Жиззахдоридармон” МЧЖга қарашли \_\_\_\_\_ туманидаги 8-сон дорихона мудир лавозимида ишлашганини, 2018 йил 6 сентябрь куни соат 19:00 лар атрофида ўзларини ИИБ ходими ва туман Департамент ходими деб таништириб унга бир ишда холис ҳамда мутахассис сифатида қатнашишини сўраганлигини, у рози бўлганлигини, улар \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ маҳалласида жойлашган унга таниш \_\_\_\_\_ нинг яшаш хонадонига борганлигини, ИИБ ходимлари \_\_\_\_\_ туман департамент ходимлари \_\_\_\_\_ хонадон эгаси \_\_\_\_\_ ҳамда холислар \_\_\_\_\_ нинг яшаш хонадони ётоқхонаси ҳамда каридорининг пол қисмидан \_\_\_\_\_ чиққан дори-дармон воситаларини хужжатлаштириб олинганлигини, у \_\_\_\_\_ ходими \_\_\_\_\_ билан биргаликда далолатномада кўрсатилган барча дори-дармонларни санаб тур-турга ажратиб биргаликда далолатнома тузиб хужжатлаштирганлигини, ушбу дори воситалари \_\_\_\_\_ қаердан олганини аниқ айтиб бераолмаганлигини, \_\_\_\_\_ нинг сўмкасида \_\_\_\_\_ чиққан

“Сибазон” 10 дона таблетка “Цикладол” 14 дона таблетка психотроп модда ҳам чиққанлигини, у суд томонидан тайинланган камиссиявий экспертизасида ҳам қатнашганлигини, нинг уйдан олинган ҳамда тиббиёт бирлашмасидаги беморлар учун бериладиган “ туман Тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси сотиш ман қилинади” деб ёзилган тўрт бурчак муҳр босилган дорилар 2.950.180 сўмлик 48 турни ташкил этганлигини, қолган 2.820.930 сўмлик 19 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси қиримида йўқ ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлмаган дорилар эканлигини аниқланганлигини баён қилиб, берган кўрсатуви;

Қўшимча гувоҳ нинг, у ни яхши танишлигини, турмуш ўртоғи бир неча йил тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасида ишлаганлигини, турмуш ўртоғи ёши кексайиб оғир касал бўлиб қолганлигини, кейин улар туман тиббиёт бирлашмасидан “Сибазон” ва “Цикладол” дориларни ретсеп асосида олиб келиб беришганлигини, кейин турмуш ўртоғи вафот этганлигини, ундан бир неча “Сибазон” ва “Цикладол” дориларни қолиб кетганлигини, орадан бир неча hafta ўтиб таъзия изҳор қилишга келганлигини, у га турмуш ўртоғидан қолган “Сибазон” ва “Цикладол” дориларини беморларга ишлатиш учун бериб юборганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ нинг, у туман тиббиёт бирлашмаси даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлашлигини, унинг вазифаларига бирлашмада даволаш ишлари бўйича раҳбарлик қилиш, уларнинг ишларини назорат қилиш ва шу каби бошқа вазифалар қилишлигини, тумани тиббиёт бирлашмасининг 2017 йил 1 октябрдан 2018 йил 1 октябргача бўлган даври молиявий хўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилганда 3 ҳолатда 1243,9 минг сўм иш ҳақи ортиқча тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, тиббиёт бирлашмасида дори-дармон воситалари қирим ва чиқими ўрганилганда 9 ҳолатда 1582,3 минг сўмлик дори-дармон воситалари талабномаларга бошқа шахс томонидан қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, шунингдек 10 ҳолатда 164,2 минг сўмлик камомадлар аниқланганлигини, тиббиёт бирлашмаси ички дорихона дори воситалари, боғлов ашёлари ва тиббий буюмларни олиб қилиш, сақлаш ва тарқатиш ички дорихона мудири зиммасига юклатилганлигини ҳақидаги кўрсатуви;

Гувоҳ нинг дастлабки терговда берган ва суд терговида ўқиб эшиттирилган кўрсатуви;

Жиноят ишидаги билдиргилар, хонадонни кўздан кечириш, шахсий тинтув қилиш, тақдим қилинган нарсани олиш, назорат тартибида ўлчаш тўғрисидаги баённомалар, фотосуратлари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бош марказининг 2018 йил 8 сентябрь кунги №1226-сонли ҳулосасига кўра нинг уйдан олинган таблеткалар “Сибазон-Диазепам” ҳамда “Цикладол гриндекс” деб номланиши, ушбу таблеткалар Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрь кундаги №330-сонли қарори 55-илова 3-рўйхатига асосан, муомилада бўлиши чекланган психотроп модда эканлиги, “Сибазон-Диазепам” номли модданинг оғирлиги 0,05 грамм, “Цикладол гриндекс” номли модданинг оғирлиги 0,028 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Тергов органи томонидан туман тиббиёт бирлашмаси “Терапия” бўлими катта хамшираси бўлиб ишлаб, жавобгарлигидаги дори-дармон воситаларини бўлимда даволанаётган беморларга бермасдан, хонадонида яширин равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, “ туман тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси сотиш ман этилади” деб ёзилган тўрт бурчак муҳр босилган хар-хил турдаги ўзганинг жами 6.643.200 сўмлик дори воситаларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликда, шунингдек талабномаларга 1.582.300 сўмлик ҳамда 56.543 сўм дори-дармон ва боғлов воситаларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликдаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда нотўғри айбланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 2-бандида “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкани ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваригача миқдорда талон-торож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади.

Бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Бундай ҳолда майда талон-торож неча марта содир этилганлиги аҳамият касб этмайди” деб кўрсатилган.

Жиззах вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли туман тиббиёт бирлашмасининг 2019 йил 14 март кунги 141-сонли хулосасига кўра, судланувчи нинг уйдан олинган ва сақлаш учун ички дорихонага топширилган дори-дармон ва тиббий буюмлар қайтадан хатловдан ўтказишганида жами 2.950.180 сўмлик 48 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси киримида мавжуд ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли дорилар эканлиги, 2.820.930 сўмлик 19 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси киримида йўқ ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлмаган дорилар эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, судда сўралган фуқаровий даъвогар ва гувоҳлар ҳам 2.950.180 сўмлик 48 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси киримида мавжуд ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли дорилар эканлигини, 2.820.930 сўмлик 19 турдаги дорилар тиббиёт бирлашмаси ички дорихонаси киримида йўқ ҳамда тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлмаган дорилар эканлигини баён қилиб, берган кўрсатувлари билан ҳам тасдиғини топган.

нинг айби билан жами 2.950.180 сўмлик дориларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган ҳолати оз миқдорни ташкил қилганлиги сабабли ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмас.

нинг ўзганинг оз миқдордаги мол-мулкани растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилганликдаги ҳаракатлари юзасидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзғатиш лозим бўлади.

Суд, юқорида келтирилган асосларга кўра, нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисми “б” бандини чиқариб, жиноят ишини ушбу қисмини алоҳида маъмурий тартибда ажратишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 26-бандида “Судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли.” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур Пленум қароридаги тушунтиришларга мувофиқ, судланувчи нинг айбидан чиқарилаётган ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б” бандини ҳукмининг тавсиф қисмида асослантирилганлиги боис ҳукмни қарор қисмида кўрсатишни шарт эмас деб ҳисоблайди.

Суд, шунингдек дастлабки тергов органи томонидан судланувчи яшаш хонадониди 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли психатроп моддаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда сақлаганликдаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда нотўғри айбланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психатроп моддаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда сақлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, жиноят содир этишда психатроп моддаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда сақлаганлиги исботланмаган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, нинг қасди у туман тиббиёт бирлашмаси “Терапия” бўлими катта хамшираси вазифасида ишлаб, моддий жавобгар шахс бўла туриб, томонидан келгусида беморларга ишлатиб юбориш учун берилган 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли психатроп моддаларини туман тиббиёт бирлашмасига олиб бориб, тегишли хужжатлар асосида топшириш ва йўқ қилиш чораларини кўрмасдан аксинча яшаш хонадонидидаги ўзига тегишли сумкада сақлаб келганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 30-бандида “ЖК 275-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти, фақат белгиланган тартибга (масалан, хизмат йўриқномаси, юқори турувчи мансабдор шахснинг буйруғи ёки фармойиши) кўра вазифасига мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этишда тегишли қоидаларга амал қилиш ёки бунинг устидан назорат қилиш кирадиган шахс ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар билан муомала қилиш қоидаларини бузиш шахс томонидан ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин. Бунда мазкур жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш учун шахс томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни, бундай воситалар ёки моддаларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган ва алоҳида назоратда турадиган ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, тақсимлаш, ташиш, жўнатиш, олиш, фойдаланиш, олиб кириш, олиб чиқиш ёки йўқ қилиш қоидалари бузилганлигини аниқлаш зарур” деб кўрсатилган.

Суд, юқорида келтирилган асосларга кўра, нинг жиноий қилмишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 2-қисмидан ЖК 275-моддасига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи га жазо тайинлашда, унинг ҳаракатларида жазони оғирлашувчи ҳолатлар йўқлигини эътироф этган ҳолда шахсини ижобий тавсифланганлигини, уч нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, айбига қисман иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймондалигини шунингдек 2019 йил 8 февраль кунги туман Хотин қизлар кўмитаси раиси томонидан берилган “Кафолат хати”ни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига кўра, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандида “ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймонда бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 7-моддасида “Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш

мақсадини кўзламайди, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, қайд этилган қонун ва Пленум қароридаги тушунтиришларга асосланиб, судланувчи нинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилалик бўлиб, уч нафар фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, қилмиш оқибатларини тушуниб етганлигини инобатга олиб, ни жазоламасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топди.

Суд, Жиззах вилоят наркологиya диспансерининг 2019 йил 2 апрелдаги 28-сонли далолатномасида мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлиги сабабли унга нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чорасини қўлламасликни лозим топди.

Суд, етказилган зарарни келгусида маъмурий тартибда кўриладиган қисми бўйича ҳал этилишини инобатга олишни лозим топди.

Суд, фуқаровий даъвогарга келтирган даъвоси юзасидан келгусида ишни маъмурий тартибда кўрилишида ҳамда нинг хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган бошқа моддий зарарлар юзасидан тегишлилиги бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга ҳамда маъмурий судга даъво кўзғатиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.

Суд, ашёвий далил тариқасида олинган ва тумани тиббиёт бирлашмасида сақланаётган 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли психатроп моддаларни ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

## Ҳ У К М Қ И Л Д И

( ) жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 2-қисмидан ЖК 275-моддасига қайта квалификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 275-моддасида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган тумани тиббиёт бирлашмасида сақланаётган 14 дона “Цикладол” номли ва 10 дона “Сибазон” номли психотроп моддалар ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Фуқаровий даъвогарга келтирган даъвоси юзасидан келгусида ишни маъмурий тартибда кўрилишида ҳамда нинг ҳатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган бошқа моддий зарарлар юзасидан тегишлилиги бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга ҳамда маъмурий судга даъво кўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар шу суд орқали ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтказиб юборилса кассация тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

У.Хидирбоев

Аслига тўғри: